

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ДАВРИДА БЎЛАЖАК ЛОГОПЕДЛАРНИ КАСБГА ТАЙЁРЛАШ

Махмудова Мадинахон Собирхоновна

Қўқон давлат педагогика институти

Дефектология кафедраси ўқитувчиси

Телефон: +998(91)1512727

madinaferuza00@mail.ru

Аннотация:

Мақола доирасида бўлажак логопедларнинг инклюзив таълимга тайёрлашга оид касбий компетенцияларини ривожлантиришда мустақил таълим даврининг туганган ўрни хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар:

Логопед, инклюзив таълим, касбий компетенция, мустақил таълим, коррекцион билим, касб этикаси

Сўнгги йилларда таълим соҳасида содир бўлган қатор ижобий ўзгаришлар ривожланишида муаммолари бўлган болалар тақдири масалаларини ҳал қилишда турли соҳа вакиллари янги йўналишлардаги фаолиятларининг бирлашуви билан чамбарчас боғлиқ. Боланинг ривожланишидаги меъёрдан четга чиқишларни эрта ташхис қилиш, муаммо оқибатини қайта тиклаш, ривожланишида у ёки бу муаммолари бўлган илк ва эрта ёшдаги болаларга педагогик ёрдам кўрсатиш, уларни умумтаълим муассасаларига уйғунлаштириш моделларини ишлаб чиқиш масалалари кун тартибда турган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Ушбу кунга келиб, махсус таълим тизими ходимларини инклюзив таълимни самарали жорий этиш муаммоси энг кўп ўйлантурувчи муаммо сифатида кун тартибда турган масаладир.

Бугунги кунда инклюзив таълимнинг амалиётга кенг жорий этилиши умумтаълим мактаблари ўқитувчиларини турли муаммолари бўлган болалар билан ишлашга тайёрлаш лозимлигини тавсифлайди. Бўлажак логопедларга турли тоифадаги ва ўзлаштириши ҳар хил бўлган болалар билан дифференциал ишлаш йўллари ўргатишда методик хизмат алоҳида ўрин тутди.

Мустақил таълим жараёнида инновацион технологияларни қўллаш орқали бўлажак логопедларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш масаласининг ҳал этилиши Махсус педагогика ва Инклюзив таълимнинг мақсади, вазифалари ва методологик асослари билан уйғунлашади. Инклюзив таълимда эса, қадрият, меҳр-шафқат ва сабр-тоқат тушунчалари соҳанинг муҳим инсонпарвар тамойилларга асосланганлигидан далолат беради. Шунинг учун логопедларнинг касбий компетенцияларига ҳам амалий, ҳам методик, ҳам психологик, ҳам ижтимоий контекстларда таъриф бериш муҳим ҳисобланади. Яъни логопедлик фаолияти серқирраликни талаб этади. Касбий жараён ўзгарувчанлиги билан мутахассисни соҳа оид ва унга яқин йўналишларда билим, кўникма ва малакаларни эгаллашни тақозо этади. Шу билан боғлиқ равишда бўлажак логопедларнинг касбий компетенциясига ижтимоий-психологик контексти моҳиятидан келиб чиқиб, қуйидагича таърифни шакллантирдик: “Логопеднинг компетентлиги фаолият жараёнида шаклланади ва инсоний қадриятлар билан уйғунлашган яхлитликда намоён бўлади”.

Ушбу фикрларимизнинг шаклланишида Л.В.Голишнинг рақобатбардош мутахассис моделига таянилди. Олим мутахассис шаклланишида учта компонентни муҳим деб ҳисоблайди: “**Касбий йўналганлик** – ўз соҳасида фаолият кўрсатишга лаёқати ва тайёрлигининг умумий кўрсаткичи. **Ижтимоий йўналганлик** – ўқувчига шахс сифатида самарали фаолият кўрсатиш имконини берадиган қадриятлар ва меъёрларни ўргатиши. **Ижтимоий сифат ва хусусиятлар** – муваффақиятли ҳаётий фаолият учун муҳим аҳамиятга эга бўлган умум қабул қилинган сифатларнинг умумий кўрсаткичлари.

Шундай қилиб, талабаларда касбий компетенцияни ривожлантиришни ўрганган тадқиқотчилар, унинг кўп қиррали, кўп ўлчамли ва тизимли хусусиятларига эътибор қаратадилар.

ОТМ ларда мустақил таълим жараёнида бўлажак логопедларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш бўйича иш турлари ва йўналишларини белгилашда касбий фаолият билан боғлиқ йўللари танлаш лозим. Шундагина талабалар келажакда касбий фаолиятни амалга ошириш учун етарли билим, кўникма ва тажрибаларни намоён эта оладилар.

Манбаларда келтирилишича, профессионал моҳирлик бевосита қобилиятлар ва шахснинг ижодий ўзига хослигига боғлиқ бўлади. Касбий компетентлилик одамнинг умумий, махсус (ОТМ да аудитория ва ундан ташқари) олган таълими ва амалиётда олган билимлари, кўникмалари ва маҳорати билан уйғунлашиб кетади. Шунинг учун ҳам мустақил таълим айнан табаларда соҳага оид маҳорат элементлари ва тажрибаларни эгаллаш имконини беради.

Компетенциялар логопедларда қуйидаги касбга доир билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланишини талаб этади: махсус, инклюзив таълимга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятини билиш, касбий меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги қоида ва меъёрларига рио этиш, нутқида нуқсонли бўлган болалар, ўсмирлар ва катталарни коррекцион-педагогик жараёнда салбий таъки ва ички омиллар (ҳаёти ва соғлиқларига таъсир этувчи) дан ҳимоя қилиш, шу каби муаммоларнинг олдини олиш чораларини кўриш, олиб борган ишларини расмийлаштириш, бюджетдан ташқари маблағларни топишнинг самарали йўллариини излаш, топиш ва қўллаш ва б. .

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2016.-56 б.
2. Махмудов А.Х. Компетентностный подход к подготовке магистров технических специальностей (методологические и дидактические аспекты). Монография, Ташкент, 2012.- С.168.
3. Махмудов А.Х. Таълим тизимида компетентлик асосида ёндашувнинг дидактик жиҳатлари. // Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишда инновация технологияларининг аҳамияти: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ЎзПФИТИ, 2012. 44-б.